

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Foton" AJ

Объявление

"FOTON" AKSIYADORLIK JAMIYATI

### ПРОВЕДЕНИЕ ВОСА

«FOTON» AJ акциядорлари диққатига!

«FOTON» AJ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 15 февраль куни соат 16:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур проспекти, 13-уй манзилида жойлашган бинода ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
3. «FOTON» AJ нинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
4. «FOTON» AJ нинг «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом» га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
5. «FOTON» AJ нинг «Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом» га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2024 йил 22 январь.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2024 йил 09 февраль.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 15 февраль куни соат 15:00 да бошланади.

Умумий йиғилишига доир материаллар билан жамиятнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур проспекти, 13-уй манзилидаги биносида соат 8:30 дан 16:00 гача танишиш мумкин.

Акциядорлардан йиғилишга шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

Маълумот учун телефон: **(+99871) 2334230, 2331839**, электрон почта: [foton@oaofoton.uz](mailto:foton@oaofoton.uz), [plan@oaofoton.uz](mailto:plan@oaofoton.uz) (<mailto:plan@oaofoton.uz>)

25.01.2024

---

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16716/>

Дата: 25.06.2026